

ТОВАР–МОДДИЙ ЗАХИРАЛАР ҲАРАКАТИ ҲИСОБИ ВА УНИ ҲУЖЖАТЛАШТИРИШ

Исканов Холжигит Нуркосимович

Тошкент давлат иқтисодиёт университети доценти

Аннотация. Мақолада бюджет ташкилотларидаги товар–моддий захиралар ҳаракатини ҳужжатлаштиришнинг асосий масалалари кўриб чиқилган, бошланғич ҳисоб ҳужжатлар рўйхати, бухгалтерия ҳисоби регистрлари аниқланган. Бюджет ташкилотларида товар–моддий захиралари ҳаракатини ҳужжатлаштиришнинг услубий жиҳатлари очиб берилган. Товар–моддий захиралар ҳаракатини ҳужжатлаштиришнинг амалий жиҳатлари ҳуқуқий ҳужжатларга асосланган ҳолда кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: бошланғич ҳисоб ҳужжатлари, бухгалтерия ҳисоби, бухгалтерия ҳисоби регистрлари, бюджет, бюджет ташкилоти, инвентаризация, товар – моддий захиралари, ҳужжатлаштириш.

УЧЕТ ДВИЖЕНИЯ ТОВАРНО-МАТЕРИАЛЬНЫХ ЗАПАСОВ И ЕГО ДОКУМЕНТАЦИЯ

Исканов Холжигит Нуркосимович

Доцент Ташкентского государственного экономического университета

Аннотация. В статье рассмотрены основные вопросы документального оформления движения товарно-материальных запасов в бюджетных организациях, определены перечень первичных учетных документов, регистры бухгалтерского учета. Выявлены методические аспекты оформления движения товарно-материальных запасов в бюджетных организациях. Рассмотрены практические аспекты документального оформления движения товарно – материальных запасов на основании правоустанавливающих документов.

Ключевые слова: первичные учетные документы, бухгалтерский учет, регистры бухгалтерского учета, бюджет, бюджетная организация, инвентаризация, товарно-материальные запасы, документация.

Кириш. Товар – моддий захиралар бюджет ташкилотлари фаолиятини таъминлашнинг муҳим омили бўлиб, реал эҳтиёжни аниқлаш учун уларнинг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисида тезкор, тўлиқ маълумот беришни тақозо қилади. Бухгалтерия ҳисоби ташкилот иқтисодий фаолиятининг барча ҳўжалик жараёнларини ҳужжатлаштиришни ўз ичига олганлиги сабабли, товар – моддий

захиралар каби активларнинг элементини ҳужжатлаштириш масалалари жуда долзарбдир.

Бюджет ташкилотларида товар – моддий захиралари бўйича амалга оширилган ҳар бир хўжалик муомалалари ҳужжатлаштирилади. Яъни, бунга ташкилотларда товар – моддий захиралари кирим ва чиқим қилинган, бир жойдан иккинчи жойга ўтказилган ва моддий жавобгар шахсларнинг алмашган ҳолатларини мисол тариқасида келтириб ўтиш мумкин.

Бюджет ташкилотларида товар – моддий захиралари ҳаракатини ҳужжатлаштиришдан мақсад ташкилотда товар – моддий захираларининг ички назорати ва молиявий ҳисобот шаклларида тўғри акс этирилишини таъминлашдир [9, 82–86].

Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот маълумотларининг тўғрилиги ҳамда ишончилиги активлар ва мажбуриятларни мажбурий тарзда инвентаризациядан ўтказиш орқали тасдиқланар экан, албатта бюджет ташкилотларида ҳам товар – моддий захиралари ҳаракати тўлиқ ҳужжатлаштирилиши талаб этилади. Чунки, инвентаризация жараёнида товар – моддий захиралар билан биргаликда уларнинг ҳужжатлари ҳам тўлиқ текширилади. Шу боисдан, бюджет ташкилотларини бухгалтерия хизмати ходимлари ва моддий жавобгар шахслар томонидан товар – моддий захираларининг ҳаракати ҳам ҳуқуқий жиҳадан, ҳам услубий жиҳатдан тўлиқ ва тўғри ҳисоб ҳужжатларида акс этирилиб борилиши керак. Бу ҳам танланган тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилаб беради.

Адабиётлар таҳлили ва методология. Тадқиқ қилинаётган мавзу доирасида мамлакатимиз ва хорижлик иқтисодчи олимларнинг илмий ишлари ўрганилди. Шунингдек, олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотларнинг амалий жиҳатлари таҳлил қилинди.

Хорижлик иқтисодчи олимлардан И.П.Воробьева, А.Л.Спесивцева ва Г.А.Барышевларнинг асарларида “моддий захиралар – бу давлат муассасасининг ўз уставига мувофиқ ижтимоий, бошқарув ва бошқа функцияларини бажариш учун зарур бўлган муассасанинг номолиявий активларидан бир қисми” дея таърифланган. Олимлар томонидан товар – моддий захиралари классификация қилиниб, бюджет ташкилотларида ҳисоб сиёсатининг энг муҳим вазифаси товар – моддий захираларининг сақланиши ва мақсадли ишлатилишини таъминлашдан иборат эканлиги илмий – услубий жиҳатдан асослаб берилган. Шунингдек, товар – моддий захираларини ҳисобга олишга асос бўлувчи бирламчи ҳужжатлар ва регистрлар жадвал шаклда акс этирилган [4, 42 – 48].

Моддий захираларни тан олиш тартиби, уларни таснифлаш, баҳолаш методологияси ва уларни ҳаракати бўйича хўжалик муомалаларини

ҳужжатлаштириш О.Е.Качкова, Т.И.Кришталева ва М.Ф.Овсийчукларнинг илмий тадқиқотларида ўз аксини топган.

Бюджет ташкилотларида моддий захираларни қабул қилиш ва ҳисобдан чиқариш усуллари, таркиби, гуруҳлар ва ҳисоб турлари бўйича таснифланиши ҳамда уларни ҳақиқий таннархини сотиб олиш усулига қараб шакллантириш масалалари ҳам олимлар томонидан батафсил ёртиб берилган [5, 128 – 134].

Мамлакатмиз иқтисодчи олимларидан А.Остонокулов бюджет ташкилотларида материал захиралари ҳисобининг илмий – амалий жиҳатларини ўрганган. Материал захиралари таркиби, бухгалтерия субсчётларида акс этирилиши, аналитик ва синтетик ҳисобининг юритилиши ҳамда ҳужжатлаштирилиши қисқача баён қилинган. [10, 139 – 145].

Бюджет ташкилотларида товар – моддий захиралар ҳисобини ташкил этиш, унинг мақсади ва хусусиятлари, киримини ҳисобга олиш ва уларни баҳолаш, ҳисобдан чиқариш, товар – моддий захиралар бўйича аналитик ва синтетик ҳисобни ташкил этиш ҳамда товар – моддий захиралар ҳисобини юритишда ахборот тизимларидан фойдаланиш масалалари А.Ж.Туйчиев, А.А.Остонокулов, К.Ш.Ибрагимов ва А.С.Турсуновларнинг тадқиқотларида кўриб ўтилган. Товар – моддий захиралар ўрнатилган меъёрини аниқлаш учун белгиланган кўрсаткичлар ҳам олимлар томонидан амалий мисоллар билан кўрсатиб, илмий – услубий жиҳатдан асосланган [11, 196 – 218].

Ушбу мавзуси доирасида юқоридаги иқтисодчи олимларнинг олиб борган тадқиқотлари билан танишганимизда, уларнинг асарларида асосан бюджет ташкилотларида товар – моддий захиралари ҳисоби кенг ёритилган бўлиб, қисман товар – моддий захираларини ҳисобга олишда қўлланиладиган бухгалтерия ҳисоби ҳужжатлари кўрсатиб ўтилган. Лекин, бюджет ташкилотларида товар – моддий захиралар ҳаракатини ҳужжатлаштириш масалалари бўйича алоҳида тадқиқотлар олиб борилмаган. Шу сабабдан ҳам, мазкур мавзу доирасида тадқиқот олиб боришни зарур, деб ҳисоблаймиз.

Бюджет ташкилотларида товар – моддий захиралар ҳаракатини ҳужжатлаштиришнинг услубий жиҳатларини такомиллаштиришда бюджет ҳисоби қоидаларини ҳисобга олган ҳолда тизимли таҳлил, анализ, синтез, таққослаш ва бошқа шу каби бир қанча тадқиқот усулларида фойдаланилган.

Муҳокама ва натижалар. Товар – моддий захираларига хизмат қилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлмаган ёки бир операцион цикл мобайнида фойдаланиладиган мол – мулклар киради. Товар – моддий захиралар бюджет ташкилотлари томонидан сотиб олинган ёки қайта сотиш учун мўлжалланган товарлар ва бошқа мол – мулкларни ўз ичига олади.

Бюджет ташкилотларида товар – моддий захиралари қуйидаги турларга бўлинади (1 – расм).



1 – расм. Бюджет ташкилотларида товар-моддий захиралари турлари¹

Юқоридаги расмда товар – моддий захираларининг турлари акс эттирилган бўлиб, ҳар бир товар – моддий захираси бухгалтерия ҳисобида бошланғич ҳисоб ҳужжатларига асосан ҳисобга олинади.

Бюджет ташкилотларида товар – моддий захираларининг кирими, жойдан – жойга кўчирилиши, моддий жавобгар шахслар алмашиши ва ҳисобдан чиқарилиши тўлиқ бошланғич ҳисоб ҳужжатлари билан расмийлаштирилади. Буни бюджет ташкилотларида товар – моддий захиралар ҳаракати турлари бўйича ҳужжатлаштириш жараёнида ҳам кўришимиз мумкин (1 – жадвал).

1 – жадвал

Товар – моддий захиралари ҳаракати турларини ҳисобга олиш учун бошланғич ҳисоб ҳужжатлари²

| Ҳужжатнинг номи | Товар – моддий захиралар турлари | Ким расмийлаштиради | Изоҳлар |
|---|----------------------------------|---|--|
| Товар-моддий захираларни қабул қилиш | | | |
| Юк хати | Барча товар – моддий захиралар | Мол етказиб берувчилар | Ўз ичига: товар - транспорт юк хати ва транспорт юк хатини олади |
| Счёт-фактура | | | Юк хати - счёт - фактура ҳам киради |
| Далолатнома | | Моддий жавобгар шахс ва мол етказиб берувчининг | Далолатномалар куйидаги ҳолларда тузилади: |

¹Муаллиф томонидан “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Йўриқнома (2010 йил 22 декабрь, 2169-сон)га асосан тузилган

²Муаллиф томонидан илмий тадқиқот асосида тузилган

| | | | |
|---|---|--|---|
| | | вакили (ташкilot томонидан тузилган комиссия иштирокида) | хужжатларнинг ҳақиқий мавжудлиги ва маълумотлари ўртасидаги номувофиқлик ҳолатларида, асосий воситаларни тугатишда, товар – моддий захираларнинг сифатини текшириб қабул қилиш пайтида. |
| Талабнома - юк хати (Юк хати (Талабнома)) | Товар – моддий захиралар, уларни сотиб олиш, ишлаб чиқариш, тайёр маҳсулотлар давомида шаклланган ҳақиқий таннарх бўйича ҳисобга олиш | Моддий қийматликларни топширувчи бўлинманинг моддий жавобгар шахси | Хужжатнинг шакли ва унинг қўлланилиши “Бюджет ташкilotларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Йўриқнома (2010 йил 22 декабрь, 2169-сон) билан тасдиқланган. |
| Бухгалтерия маълумотномаси | Барча товар – моддий захиралар | Бухгалтерия | Хужжатнинг шакли ва унинг қўлланилиши “Бюджет ташкilotларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Йўриқнома (2010 йил 22 декабрь, 2169-сон) билан тасдиқланган. |
| Товар-моддий захираларни жойдан – жойга кўчириш (ёки моддий жавобгар шахслар алмашиши) | | | |
| Юк хати (Талабнома) | Барча товар – моддий захиралар | Моддий қийматликларни етказиб берувчи бўлинманинг моддий жавобгар шахси Бухгалтерия | Хужжатларнинг шакли ва унинг қўлланилиши “Бюджет ташкilotларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Йўриқнома (2010 йил 22 декабрь, 2169-сон) билан тасдиқланган. |
| Озиқ-овқат маҳсулотларини бериш учун Меню-Талабнома | Озиқ-овқат маҳсулотлари | | |
| Берилган озуқа ва ем-хашак қайдномаси | Чорвачилик ва бошқа ҳайвонларни боқиш учун озуқа ва ем-хашак | | |
| Ташкilot эҳтиёжи учун берилган | Барча товар – моддий захиралар | | |

| | | | |
|--|--|--|--|
| материаллар қайдномаси | | | |
| Забор картаси | Барча товар – моддий захиралар | | |
| Далолатнома | Барча товар – моддий захиралар | Ташкилотда фаолият юритувчи доимий инвентаризация комиссия | Далолатнома ташкилотдаги моддий жавобгар шахслар ўзгарганда тузилади. |
| Товар-моддий захираларини ҳисобдан чиқарилиши | | | |
| Озиқ-овқат маҳсулотларини бериш учун Меню-Талабнома | Озиқ-овқат маҳсулотлари | Моддий кийматликларни етказиб берувчи бўлинманинг моддий жавобгар шахси Бухгалтерия | Хужжатларнинг шакли ва унинг қўлланилиши “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Йўриқнома (2010 йил 22 декабрь, 2169-сон) билан тасдиқланган. Хизмат автотранспорт воситаларининг йўл босиш йиллик лимити ва улардан фойдаланиш меъёрларига қатъий амал қилинади. |
| Берилган озуқа ва ем-хашак қайдномаси | Чорвачилик ва бошқа ҳайвонларни боқиш учун озуқа ва ем-хашак | | |
| Ташкилот эҳтиёжи учун берилган материаллар қайдномаси | Барча товар – моддий захиралар | | |
| Юк хати (Талабнома) | Барча товар – моддий захиралар | | |
| Йўл варақаси | Ёнилғи, ёқилғи - мойлаш материаллари | | |
| Далолатнома | Барча товар – моддий захиралар | Ташкилотда фаолият юритувчи доимий инвентаризация комиссия | Товар – моддий захиралари қуйидагилар натижасида ҳисобдан чиқарилади: ташкилот эҳтиёжи учун сарфланганда; яроқсиз ҳолатга келганда; камомад аниқланганда; таббий офатлар натижасида йўқотишлар аниқланганда. |

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, бюджет ташкилотларида товар – моддий захиралари ҳаракати турларини ҳисобга олувчи ҳар бир бошланғич ҳисоб ҳужжатлари албатта моддий жавобгар шахслар ёки бухгалтерия хизмати ходимлари томонидан амалдаги норматив – ҳуқуқий ҳужжатларга асосан расмийлаштирилади [8].

Агар бюджет ташкилоти томонидан бошланғич ҳисоб ҳужжатларининг шакллари мустақил равишда ишлаб чиқилган бўлса, уларнинг рўйхати ташкилот ҳисоб сиёсати ёки раҳбарнинг буйруғи билан тасдиқланиши керак. Бу стандарт шакллар тақдим этилмаган ҳўжалик жараёнларини ҳисобга олиш учун мақбул ечим ҳисобланади.

Товар – моддий захираларининг аналитик ҳисоби бухгалтерия ҳисоби регистрларида, ташкилот бухгалтериясида ва моддий жавобгар шахсларда бошланғич ҳисоб ҳужжатлари асосида амалга оширилади (2 – жадвал).

Бунда тайёр маҳсулот ва сотиш учун берилган товарларнинг аналитик ҳисоби алоҳида олиб борилади [6].

2 – жадвал

Товар –моддий захираларини ҳисобга олиш учун аналитик ҳисоб регистрлари³

| Регистр номи | Товар – моддий захиралар тури | Эслатма |
|--|--|---|
| Ташкилотнинг бухгалтерия ҳисобини ташкил қилади ва юритади | | |
| Моддий қимматликларнинг миқдор-қиймат ҳисоби ДАФТАРИ (КАРТОЧКАСИ) (296-сон шакл) | Барча турдаги товар – моддий захиралар | Ёзувлар мол етказиб берувчиларнинг счёт-фактуралари, юк хатлари ва бошқа ҳужжатларига асосан амалга оширилади |
| Озиқ-овқат маҳсулотларининг кирими бўйича ЖАМЛАНМА ҚАЙДНОМА (300-сон шакл) | Озиқ-овқат маҳсулотлари | Ёзувлар бошланғич ҳисоб ҳужжатларига асосан амалга оширилади |
| Озиқ-овқат маҳсулотлари сарфи | | Ёзувлар озиқ-овқат маҳсулотларини бериш учун |

³Муаллиф томонидан илмий тадқиқот асосида тузилган

| | | |
|--|--|--|
| бўйича ЖАМЛАНМА ҚАЙДНОМА (399-сон шакл) | | Меню-Талабномага асосан амалга оширилади |
| Материал захиралар бўйича АЙЛАНМА ҚАЙДНОМА (М-44-сон шакл) | Барча турдаги товар – моддий захиралар | Ёзувлар мол етказиб берувчиларнинг счёт-фактуралари, юк хатлари ва бошқа ҳужжатларига асосан амалга оширилади |
| Чорва молларини ҳисобга олиш дафтари (395-сон шакл) | Ёш чорва ва бўрдоқига боқилаётган моллар | Ҳисоб чорва молларининг тури ва ёш гуруҳи ҳақида маълумот беради |
| Моддий жавобгар шахслар томонидан шакллантирилади ва бошқарилади | | |
| Материалларнинг омбор ҳисоби ДАФТАРИ (М-17-сон шакл) | Барча турдаги товар – моддий захиралар | Омборлардаги товар-моддий захираларнинг ҳисоби моддий жавобгар шахс томонидан материалларни омбор ҳисоби дафтарида фақат номи, нави ва миқдори бўйича юритилади. |
| Марказлаштирилган таъминот бўйича тўланган моддий қимматликлар ДАФТАРИ (322-сон шакл) | | Ҳар бир мол-мулк қабул қилиб олувчи бюджет ташкилотлари бўйича юритилади. |
| Синган идишларни рўйхатга олиш бўйича КИТОБ (325-сон шакл) | Синган идишлар | Китобга ёзувлар тегишли мансабдор шахслар томонидан ёзилади. Доимий ишлаб турадиган комиссия китобни тўғри юритилаётганлигини назорат қилиб боради |

Бухгалтерия ҳисобида товар – моддий захиралар бўйича операцияларнинг синтетик ҳисоби тегишли мемориал ордерлар, ташкилотнинг Бош журнал китоби (308-сон шакл) ва молиявий ҳисобот шаклларида бошланғич ҳисоб ҳужжатлари маълумотларига асосан акс эттирилади.

Ҳозирги кунда бюджет ташкилотларининг бухгалтерия ҳисоби тўлиқ “УзАСБО” дастурий мажмуасида электрон шаклда юритилаётганлиги сабабли

ҳисоб ишлари анча осонлашди, товар – моддий захираларининг ҳаракатларини ҳужжатлаштириш, уларнинг назоратини олиб бориш бир мунча тезлашди [7]. Шу билан биргаликда бюджет ташкилотларида товар – моддий захиралари ҳаракатини ҳужжатлаштиришда амалдаги норматив – ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига ва меъёрларига амал қилишлари шарт.

Хулоса. Таъкидлаш жоизки, бюджет ташкилотларидаги товар – моддий захиралари ҳаракатини ҳужжатлаштириш ишларини ва назоратини оптималлаштиришга имкон берувчи “Ташкилот бўйича ҳужжатлар айланиши графиги” билан тартибга солиниши керак. Бу графикда ҳужжатларнинг номи, ҳужжатни тузиш, текшириш, ишлаш ва архивга топшириш вақти, масъул шахси тўлиқ кўрсатилади. Шунингдек, бюджет ташкилотининг бўлим ва бўлинмалари кесимида товар – моддий захиралари бўйича ҳисоботларни топшириш муддатлари ва моддий жавобгар шахслар кўрсатилган бўлади. Бу товар – моддий захиралари бўйича тезкор маълумотларни олиш имкониятини беради.

“Ташкилот бўйича ҳужжатлар айланиши графиги” ташкилотнинг ҳисоб сиёсатига илова сифатида киритилади ёки алоҳида раҳбар буйруғи билан тасдиқланиши мумкин. Тўғри ишлаб чиқилган “Ташкилот бўйича ҳужжатлар айланиши графиги” бухгалтерия хизматининг ташкилот бўлим ва бўлинмалари билан ҳамкорликдаги иш сифатини, ҳисобдор ва масъул шахсларнинг ўз вақтида ҳисобот тақдим қилишини ҳамда ички назоратни амалга оширишни таъминлайди. Бу эса бюджет ташкилотларининг молия – ҳўжалик фаолиятига ижобий таъсир қилади.

Адабиётлар:

1. «Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги» йўриқнома (2010 йил 22 декабрь, 2169-сон).
2. Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти «Товар-моддий захиралар» (7-сон БҲС, 2019 йил 14 январь, 3120-сон).
3. «Бухгалтерия ҳисобида ҳужжатлар ва ҳужжат айланиши тўғрисидаги» Низом (2004 йил 14 январь, 1297-сон).
4. Воробьева И.П., Спесивцева А.Л., Барышева Г.А. Бухгалтерский учет в бюджетных учреждениях: Учебное пособие. –Томск:Изд-во ТПУ, 2012. -252 с.
5. Качкова О.Е., Кришталева Т.И., Овсийчук М.Ф. Бухгалтерский учет в бюджетных учреждениях: учебник. –Москва: КНОРУС, 2022. –376 с.
6. Кулибоев Азамат Шоназарович (2023) “ДАВЛАТ ТИББИЁТ ТАШКИЛОТЛАРИДА ОЗИҚ – ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ МЕЪЁРИ ВА УНДАН ОҒИШИШЛАРНИ ҲИСОБЛАШ ”, Лучшие интеллектуальные исследования, 2(1), pp.147–153. Available at: <http://web-journal.ru/index.php/journal/article/view/321>

7. Кулибоев А. ДАВЛАТ ТИББИЁТ ТАШКИЛОТЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ //Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари/Актуальные проблемы социально-гуманитарных наук/Actual Problems of Humanities and Social Sciences. – 2023. – Т. 3. – №. 8.

8. Кулибоев А. Ш. БЮДЖЕТ НАЗОРАТИНИНГ НАЗАРИЙ–УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ //World scientific research journal. – 2023. – Т. 16. – №. 1. – С. 31-37.

9. Mehmonov S.U., Kuliboyev A.Sh. Account of extra-budgetary funds of budget organizations. Study guide. - Т.: "Economy - Finance", 2018. - 192 p.

10. Ostonokulov Azamat Abdukarimovich. Improving Accounting of settlements with Suppliers and Buyers in Public Sector Institutions. American Journal of Economics and Business Management. ISSN: 2576-5973. Vol. 4, № 2, 2021.

11. Turchiyev A.J., Ostonokulov A.A., Ibragimov K.Sh., Tursunov A.S. Byudjet tashkilotlarida byudjet hisobi. Darslik – Т.: «Iqtisod-Moliya» 2019. –329 b.